

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир кампир билан бир чол бор экан. Улар овчилик билан кун ўтказар эканлар. Бир кун чол тузок пойлаб ўтирган экан, тузокка катта бир лайлак тушибди. Югурб бориб лайлакни тузокдан чикарибди, лайлак одамдек сўзламокка бошлабди:

— Чол, мен лайлакларнинг бошлигиман, мени кўйиб юбор, нима тиласанг шуни бераман. Менинг маконим шу каршидаги тогнинг оркасида. «Лайлаквойнинг уйи каерда», десанг, хамма айтиб беради, — дебди.

Чол лайлакни кўйиб юборибди. Эртасига эрталаб туриб, Лайлаквойнинг совгасини олиб келиш учун йўлга тушибди. Юриб, юриб бир жойга бориб етибди. Кўй бокиб юрган чўпонлардан:

— Бу кўйлар кимнинг кўйи? — деб сўрабди.

— Бу кўйлар Лайлаквойнинг кўйи, — деб чўпон чолни йўлга солиб юборибди. Бир жойга бориб йилки хайдаб юрган йилкичидан:

— Бу йилкилар кимники? — деб сўрабди чол. Йилкичи:

— Лайлаквойники, — дебди.

— Лайлаквой менга совга ваъда килиб эди, нима сўрай? — деган экан, йилкичи бундай дебди:

— Лайлаквойнинг бир хумчаси бор, «кайна, хумча» деса, тилла кайнаб чикиди, шу хумчани сўра, — дебди.

Чол оз юриб, кўп юриб, кўп юрса хам чўл юриб, етти кеча-ю, етти кундуз деганда Лайлаквойнинг уйига бориб етибди. Эшиқдан кириб:

— Ассалому алайкум, — дебди. Лайлаквой:

— Хап саломинг бўлмаса, таъзирингни берардим. Сен совга учун келган бўлсанг керак, кани, нима сўрайсан? — дебди.

— Мен сиздан: «Кайна, хумча»ни сўрайман, — дебди чол. Лайлаквой ўйлаб колибди:

— Чол, сенга бир тилла товок берай, — деса хам чол кўнмабди. Ахир «Кайна, хумча»ни беришга рози бўлибди. Чол «Кайна, хумча»ни олиб жўнабди. Йўл юриб, чўл юриб, бир жойга етибди. Дам олиш учун ўтирибди. Кишлокнинг болаларига караб: «Ўгилларим, мана бу хумчага караб туринглар. Мен бир оз мизгиб олай, факат «кайна, хумчам», деманглар», деб тайинлабди.

Болалар: «Кайна, хумчам», деб бакиришган экан, хумдан тилла кайнаб чикибди, шошиб-пишиб, болалар тиллаларни йигиб олишибди-да, хумни уйларига олиб кириб бекитиб кўйибдилар. «Кайна хумча»нинг ўрнига бошка бир хумчани олиб келиб ўтирибдилар. Чол уйкудан туриб хумчани олиб жўнабди. Етти кеча-етти кундуз йўл юриб, уйига етиб келибди. У:

— Кани, кампир, дастурхонни ёз, хозир тиллага бой бўламиз, — дебди.

Кампир дастурхонни ёзибди, дастурхоннинг ўртасига хумчани кўйиб, чол бор кучи билан: «Кайна, хумчам», деб бакирибди. Хумчада тилла кайнаб чикмабди, чол яна бакирибди, тилла кайнамабди. Чолнинг жахли чикиб: «Ха, падарингга лаънат, Лайлаквой, алдаб бошка хумча берибди. Эртага бориб бошка совга сўрайман», деб кўйибди.

Эртаси сахарлаб чол йўлга чикибди. Йилкичининг олдига бориб:

— Лайлаквой мени алдади, энди нима совга сўрай? — дебди.

Йилкичи ўйлаб туриб:

— «Очил, дастурхон»ни сўранг, дастурхонни ёзиб, «Очил, дастурхон», десангиз хар хил таомлар тайёр бўлади, — дебди.

Чол Лайлаквойнинг эшигидан кириб:

— Ассалому алайкум, — дебди.

Лайлаквой:

— Хап саломинг бўлмаса, таъзирингни берардим. Ўтган гал сенга «Кайна, хумча»ни бериб эдим, кўнглинг тўлмадими? — дебди. Чол хамма воеани айтиб:

— Мени алдадинг, «Кайна, хумча»нинг ўрнига бошка хумча берибсан, энди сендан «Очил, дастурхон»ни сўрагани келдим, — дебди.

Лайлаквой ўйлаб колибди. «Очил, дастурхон»ни чолга совга килибди.

Чол йўлга тушибди. Оз юриб, кўп юриб, ўтган гал дам олган кишлокка бориб етиб, ўзи таниш бўлган болаларни кўрибди.

— Ўгилларим, мана шу дастурхонни олиб ўтиринглар. Мен бир оз мизгиб олай, факат «очил, дастурхон», деманглар, — деб уларга тайинлабди. У кетгандан сўнг болалар: «Очил, дастурхон», деб бакирган эканлар, етти хил таом тайёр бўлибди. Болалар таомларни ўраб, дастурхонни уйларига олиб кириб, ўрнига бошка дастурхон олиб чикиб ўтирибдилар. Чол кайтиб келиб дастурхонни олибди, йўлга тушибди. Уйига келиб:

— Кампир, нима таом десанг, хозир тайёр бўлади, — деб дастурхонни ёзибди. «Очил, дастурхон», деган экан, хеч кандай таом чикмабди. Чолнинг жони чикиб:— Лайлаквой мени иккинчи марта алдади, эртага бориб бошка бир совга сўрай, — дебди.

Эртаси сахарлаб чол йўлга чикибди. Йилкичининг олдига бориб:

— Энди Лайлаквойдан нима сўрай? — дебди.

— Энди Лайлаквойдан «Ур, тўкмок»ни сўранг, душманингиз кўпга ўхшайди, агар «Ур, тўкмок», десангиз олдингизда ким бўлса, уриб ташлайди, — дебди йилкичи.

Чол йўлга тушибди, эшикдан:

— Ассалому алайкум, — деб кирибди. Лайлаквой:

— Хап саломинг бўлмаса, таъзирингни берардим. Яна пима учун келдинг? «Кайна, хумча»ни олдинг, «Очил, дастурхон»ни олдинг, яна нима керак? — дебди.

— Мени бу гал хам алдадинг, Лайлаквой. «Очил, дастурхон» ўрнига бошка бир дастурхон берибсан. Энди сендан бир нарса сўрайман, менга «Ур, тўкмок»ни бер, — дебди. Лайлаквой чолга «Ур, тўкмок»ни хадя килибди.

Чол «Ур, тўкмок»ни олиб йўлга тушибди. Оз юриб, кўп юриб аввалги ўзи билган кишлокка бориб етибди. Таниш болаларни чакирибди:

— Ўгилларим, мана бу тўкмокни ушлаб туринглар, мен бир оз мизгиб олай, факат «Ур, тўкмок», деб гапирманглар, — дебди.

У кетгандан сўнг болалар кизикиб: «Ур тўкмок», деб бакиришган экан, тўкмок хаммасини ура бошлабди. Болаларнинг бакиргани учун чол югуриб келибди. Болалар бўлса, йиглашибди:

— Жон ота, тўкмокни тўхтатинг, биз сизнинг хумчангизни, дастурхонингизни олиб, ўрнига бошка хумча, бошка дастурхон кўйган эдик, тавба килдик, ота, тўкмокни тўхтатинг, — дейишибди.

Чол: «Тур, тўкмок» деб бакирган экан, тўкмок уришдан тўхтабди. Болалар югуриб бориб уйларидан «Кайна, хумча» билан «Очил, дастурхон»ни чикариб берибдилар, чол йўлга тушибди. Оз юриб, кўп юриб, кўп юрса хам мўл юриб, кўл демай, чўл демай етти кеча-етти кундузда уйига бориб етибди.

«Кайна, хумча» деган экан, хумчадан тилла кайнаб чикибди. «Очил, дастурхон», деган

экан, хар хил таомлар мухайё бўлибди. Умриларида кўрмаган таомларни еб, чол билан кампир хурсанд бўлибдилар.

Тиллаларга чол яхши уй солдирибди ва хонни уйига меҳмондорчиликка чакирган экан, хон: «Мен хон бўлсаму, ўша камбагал, кашшок чолнинг уйига меҳмондорчиликка бораманми», деб бормабди.

Чолнинг жахли чикиб хонни урушга чакирибди. Эртасига хон етти минг аскарни тайёрлаб, чолнинг уйи олдига тизиб:

— Кани, чол, жонинг бўлса урушга чик! — дебди. Чол эшикдан чикиб тўкмокка караб:

— Ур, тўкмок! — деб бакирган экан, тўкмок хамма аскарларни биттадан уриб ётқизиб кўйибди, охирида тўкмок хонни ура бошлабди.

Хон:

— Чол, тўкмогингни тўхтат, сен енгдинг, мени ўлимдан олиб кол, юртга сен хоким бўла кол, — дебди.

Чол тўкмокни тўхтатибди. Ўзи юртга хоким бўлибди. Муроди максадига етибди.